

## Германиянинг бир штатида 95 та масжид фаолият кўрсатмоқда



15:20 / 16.01.2019 2694

Германиянинг Reynland-Palatinat штати расмийларининг маълум қилишларича, штатда 95 та масжид фаолият кўрсатмоқда. Сўнги маълумотларга кўра, мазкур штатда қарийб 200 минг мусулмон истиқомат қилади. IQNA берган хабарга кўра, ушбу масжидлар Германияда расман рўйхатдан ўтган тўртта исломий уюшмага тегишлидир. Уларнинг орасида дин ишлари бўйича Турк-ислом бирлиги уюшмаси бирлиги 51 та масжид фаолиятини назорат қилади.

***Islom.uz***